Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2016 йил
27 февраль
ШАНБА
№ 18 (12862)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Томорқа – туғанмас хазина

## МЎЪЖАЗ ЕРНИНГ БАРАКАСИ

**Оҳангарон тумани, Қорахитой қишлоғи, "Тут" маҳалласилик Қўчқоровлар оиласи томорқасидан мўл ҳосил олиб, бутун маҳалла аҳлига ўрнак бўлмоқда.**



Оила бошлиғи Абдумажид Қўчқоров 1,7 ва 2 сотихлик иссиқхоналарда лимон парвариш қилади. Бундан ташқари, алоҳида меҳр билан парваришлаётган мевали дарахтлар – гилос, олма, ёнғоқ ҳосили йилдан-йилга кўпайиб бораяпти. Айниқса, гилосларнинг ҳар тупидан 300 дан 500 килограммгача ҳосил олишаяпти.

– Бундан олти йил олдин шу 2 сотихли иссиқхонага 22 туп лимон кўчати ўтқазган эдик, – дейди хонадон соҳиби бизни иссиқхонага бошлар экан. – Икки метр чуқурликдаги кўчатлар учун иссиқликни мўътадил ушлаб турамиз. Кун исиб кетган пайтда тепадаги плёнкаларни очиб қўямиз. Бошида лимон парвариш қилиш бироз қийиндек туюлганди. Бироқ, эринмасдан ўрганганларимни ишга солдим. Озми-кўпми, тажрибамдан фойдаланиб, уйимиз ёнида яна 1,7 сотихлик иссиқхона қурдик. Ҳозир кўчатларимиз 40 тага етди. Вақти-вақти билан тагларини юмшатиб турамиз. Тўғрисини айтсам, иккинчи йил ҳосил олишимиз. Ҳар тупидан 25-30 килограммдан, 40 туп лимондан эса бир тоннадан зиёд ҳосил олдик.

– Томорқанинг фойдасини билган одам ердан кўнгил узолмай қоларкан, – дея суҳбатга чўғ ташлайди хонадон бекаси Муқаддам Тўраева. – Мана шу 16 сотихли майдонни йил-ўн икки ой тиндирмаймиз. Картошка, пиёз, сабзи, шолғомдан тортиб, турли ошкўклargача ўзимиздан чиқади. Даромадимиздан 2 қиз, 2 ўғилни вояга етказдик. Орзу-ҳавасимиздагидек уй-жойларга эга бўлдик. Икки қизимизни узатдик. Насиб қилса, келин олиш ниятимиз бор. Молхонадаги 15 бош молнинг 5 таси, қўрадаги 10 бош қўйнинг 2 таси болалади. Сут-қатиқ ҳам сероб. Ҳаётимиздан асло нолимаймиз. Худога шукр, рўзғоримиз бут, турмушимиз фаровон. Шундай тинч ва осойишта юртда яшаётган одамга яна нима керак?

"Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройли" деганларидек, томорқасидан милли-он-миллион сўм даромад олиб, фаровон турмуш кечираётган бундай маҳалладошларга барча ҳавас қилса арзийди.

**Бектош ИСМОИЛОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Мансур НАХАЛОВ олган сурат.**

Эътироф

## «DIPLOMAT MAGAZINE» ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИ ҲАҚИДА

**Илгари хабар берилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси хорижий мамлакатлар оммавий ахборот воситаларида ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.**

Жумладан, яқинда Нидерландия ва Бельгиядаги оммабоп нашрлардан бири ҳисобланадиган "Diplomat Magazine" журналида мамлакатимиз раҳбарининг мазкур маърузасида ўз ифодасини топган асосий жиҳатларга доир мақола босилиб чиқди.

Унда қайд этилганидек, дунёнинг ривожланган демократик давлатлари қаторидан ўрин эгаллаш мақсадида мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар, кучли ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётга асосланган сиёсатнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши аҳолининг муносиб ҳаёт кечириш даражаси ва сифатини оширмоқда.

Мақолада жаҳон миқёсида савдо-сотиқ ишларининг ўсиш суръати сезиларли даражада сустлашгани, экспорт қилинадиган энг муҳим товарларга нисбатан ташқи талабнинг камайиши ва нархларнинг пасайишига қарамасдан Ўзбекистон ташқи савдо айланмасида ижобий сальдога эришгани ва бу давлатнинг олтин-валюта захирасини ошириш имконини бергани алоҳида таъкидланади.

(Давоми 2-бетда).

2016 йил – Соғлом она ва бола йили

## ОИЛАНИНГ БАХТИЁРЛИК ШУКУҲИ

**Бўкалик Насибахон Қобиловани тумандошлари қўли енгил шифокор, дея алқашади. Ҳам она, ҳам бола учун қайғурадиган, керак бўлса тунлари ҳам улар атрофида парвона бўладиган бу инсон билан суҳбатимиз давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бўлган оналар ва болалар саломатлиги ҳақида бўлди.**

– Болалигимдан дўхтир бўлишни орзу қилганман, – дейди шифокор. – Онажоним, Маҳбуба Мавлонова 5 ёшлигимда укам Абдурасулни дунёга келтириб, ўзлари бу оламни тарк этганлар. Айтишларича, улар ҳомиладорлик даврини қийин кечирган эканлар: юрак, буйрак, жигардаги ўзгаришлар туфайли ўлим рўй берган. Шу воқеа сабаб отам мени: "Аёллар шифокори бўлади", деб кўнгилларига тугиб қўйган эканлар.

(Давоми 2-бетда).

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

## МАРКАЗ ТАКЛИФ ЭТАДИ

**"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Қибрай тумани кенгаши қошидаги "Ёшлар ижтимоий хизматлари" марказида ёшлар бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари, интеллектуал ва ижодий салоҳиятларини намоён этишлари, касб маҳоратларини оширишлари учун барча шароитлар яратилган.**



– Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида ташкил этилган марказ ёшларнинг фаоллигини ошириш, ташаббус ва интилишларини рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда, – дейди марказ раҳбари Камола Муродова. – Ҳудуддаги таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчилар ва маҳалла ёшларининг қизиқишларини ҳисобга олиб, маънавий-маърифий кечалар, турли тадбир ва спорт мусобақалари ўтказмоқдамиз.

Марказ қошида ташкил этилган рус ва инглиз тиллари махсус курслари, компьютер саводхонлиги, "Моҳир қўллар", "Тўқувчилик", "Рассомчилик ва дизайн", "Ёш тадбиркор" бизнес клуби, "Ёш оила" маслаҳат маркази сингари ўнга яқин тўгарак ва бўлимлар ёшлар ихтиёрида. 2015 йилда марказда 500 га яқин туман ёшларига бепул таълим берилди ва ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

Соғлом она ва бола йили муносабати билан марказда бир қатор қўшимча тадбирлар белгилаб олинди. Хусусан, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, замонавий инновацион ғояларга жалб қилиш, касб-ҳунарга йўналтириш, иш билан таъминлашда кўмаклашишдан ташқари, ёш оилаларни ижтимоий ҳимоялаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, бўлажак оналар учун семинар-тренинглар уюштириш режалаштирилмоқда.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

Мардлар қўриқлайди Ватанни!

## САРА ЙИГИТ – ЮРТ ФАХРИ

**Республика Президентининг "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида" ги Қарорига асосан вилоят мудофаа ишлари бошқармаси чақирув пунктида тиббий кўрик, тест ва жисмоний топшириқлардан юқори балл тўплаган йигитларнинг навбатдаги гуруҳини муддатли ҳарбий хизматга кузатиш маросими бўлиб ўтди.**

Вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ва қатор жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда чақирилувчиларнинг ота-оналари иштирок этган тадбирда миллий армиямизнинг кечаги куни ва бугуни, аскарнинг муқаддас бурчи, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ёшларга берилаётган имтиёзлар, шунингдек, юртимиздаги тинчлик ва дунёнинг турли минтақаларидаги тўс-тўполонлар тўғрисидаги мулоҳазалар тингланди. Шундан сўнг, йиғилганлар ҳарбий хизматга отланган

(Давоми 2-бетда).

Тадбир

## ОГОҲ ОДАМ ҚОҚИЛМАЙДИ

**Ангрен шаҳар ҳокимлигида диний экстремизм, терроризм, коррупция ва одам савдосига қарши кураш ҳамда эрта турмуш куришнинг оқибатлари ва уни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини кенг тарғиб қилишга қаратилган тадбир бўлиб ўтди.**

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, мактаб ва коллеж директорлари, соғлиқни сақлаш бўлими ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган тадбирда диний экстремизм ва фундаментализмнинг келиб чиқиш сабаблари ва жамиятга таҳдиди, ноқонуний меҳнат миграциясининг олдини олиш, одам савдосига қарши кураш ҳамда жабрдийдаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, коррупцияга қарши курашга оид қонун ҳужжатлари ва уларни бузганлик учун жавобгарлик, эрта турмушнинг олдини олиш масалалари муҳокама қилинди.

Ўтган йили вилоят прокуратураси ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда диний экстремистик адабиёт ва шу мазмундаги варақаларни вилоят ҳудудига олиб кириш, кўпайтириш ва тарқатишнинг олдини олишга қаратилган 98 та текширув ўтказилиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари бўйича 12 та тақдимнома киритилди, 315 шахс қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳақида расман огоҳлантирилди. Қонунбузилишига йўл қўйган 7 шахс интизомий, 94 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди. 96 шахсга нисбатан жиноят ишлари қўзғатилган.

(Давоми 2-бетда).

Қулайлик

## ИШ ҲАҚИНИ SMS ОРҚАЛИ БИЛИШ МУМКИН

**"UzASBO" дастурий мажмуасида янги хизмат тури жорий этилди. Энди бюджет ташкилотлари ходимлари мазкур дастурий мажмуада ҳисобланган иш ҳақи ва бошқа тўловлар ҳақида SMS орқали маълумот олиши мумкин.**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотларига кўра, 2011 йилда фойдаланишга топширилган бюджет ташкилотлари бухгалтерлик ҳисобини юритувчи "UzASBO" дастурий мажмуасидан ҳозирги кунда 26 мингдан зиёд ташкилот фойдаланиб келмоқда.

Бугунги кунда бюджет ташкилотлари шахсий ғазна ҳисобварақларидан кўчирмаларни электрон кўринишда мазкур дастурий мажмуадан олиш имкониятига эга. Дастурий мажмуа орқали тўлов топшириқномалар

(Давоми 2-бетда).

Жараён



## МАСЪУЛИЯТ САБОҚЛАРИ

**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасида вилоятнинг босма оммавий ахборот воситалари бош муҳаррирлари учун ўқув машғулотлари бошланди.**

Ҳудудий нашрлар фаолиятини янада яхшилаш, жумладан, уларнинг мазмун-мундарижаси ва жанрлар хилма-хиллигини таъминлаш, бугунги шиддатли замонда рўй бераётган ўзгаришларни холис, ҳаққоний ва тезкорлик билан жамоатчиликка етказиш, танқидий ва таҳлилий материалларни кўпайтириш мақсадида ташкил этилган мулоқотда вилоятдаги барча газета ва журналлар бош муҳаррирлари ва мутасадди ташкилот вакиллари иштирок этишди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ташаббуси билан ўтказилаётган ўқув курсининг дастлабки машғулотида иштирокчилар ҳудудий нашрлар фаолиятида учраётган муаммо ва камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан фикр алмашдилар. Шунингдек, ушбу жараёнларда асосий масъулият бош муҳаррирларнинг зиммасида экани, шунинг учун мазкур ўқув курслари зарурлиги таъкидланди.

Қизиқарли баҳс ва мунозараларга бой тарзда ўтган дастлабки ўқув куни ниҳоясида кейинги машғулотлар мазмун-мундарижаси юзасидан таклифлар билдирилди.

**Нозима РАСУЛОВА.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.**

Эътироф

# «DIPLOMAT MAGAZINE» ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИ ҲАҚИДА

"Мамлакат эришган муваффақиятлар халқаро ҳамжамиятда ўзининг кенг эътирофини топмоқда. Катта нуфузга эга бўлган Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014 – 2015 йиллардаги ривожланиш якунлари ва 2016 – 2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олди. Бундан ташқари, ўтган йили республика Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)га аъзо давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Минг-йиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун бериладиган мукофотига сазовор бўлган 14 та давлатдан бири сифатида эътироф этилди", деб ёзади нашр.

Манбанинг эътироф этишича, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам катта эътиборга сазовор. Бу, ўз навбатида, миллий иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб этишга кўмаклашмоқда.

"2015 йили 15 миллиард 800 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди. Уларнинг 3 миллиард 300 миллион доллардан зиёди хорижий инвестициялардир. Бу маблағнинг катта қисми янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилди ва натижада йирик ишлаб чиқариш объекти қурилишларини якунлаш ва фойдаланишга топшириш имконини берди".

Шу билан бирга, мақолада Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида рўй бераётган тизимли ўзгаришларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. "Республикада деҳқон ва фермерларнинг фидокорона меҳнати ва омилкорлиги туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан мўл ҳосил олинмоқда. Мева ва сабзовотчилик, боғдорчилик, чорвачилик жадал суръатларда ривожланмоқда", деб ёзади журнал.

"Diplomat Magazine" қайд этганидек, замонавий технологиялар асосида пахта толасини ва мева-сабзавот маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ташқи ва ички бозорда талаб юқори бўлган тайёр, экологик тоза тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2030 йилда 5,6 марта, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмини эса 5,7 карра ошириш имконини беради.

Мақола интиҳосида 2016 йил Ўзбекистонда Соғлом она ва бола йили, деб эълон қилингани ҳам қаламга олинган. Шу ўринда Ўзбекистоннинг ҳар йили ҳаётга татбиқ этадиган давлат дастурларидан муваффақиятли тажриба орттиргани эътироф этилар экан, жорий йилда ҳам оила, оналик ва болалик муҳофазаси тизимини мустаҳкамлаш юзасидан улкан ишлар амалга оширилиши мўлжалланаётганини европалик ўқувчиларнинг эътиборига ҳавола қилинган.

(Давоми. Боши 1-бетда).

**"Жаҳон" АА.**

2016 йил – Соғлом она ва бола йили

# ОИЛАНИНГ БАХТИЁРЛИК ШУКУҲИ

Яратганга шукр, отамнинг холис ниятлари, рағбатлари билан шифокор касбини эгаллаш, ҳомиладор аёллар дардига малҳам бўлиш бахти насиб этди. Устозларим Насиба Йўлдошева, Дилбар Усмонова, ҳозирги кунда бирга ишлаётган Мавлуда Ваҳобова, Мавлуда Абдуллаеванинг ўгитлари, тажрибаси мен учун ибрат мактаби бўлди.

Уларнинг айтишича, мустақилликдан аввал она ва бола саломатлиги учун жавобгарлик, масъулият деган гаплар фақат оғизда бўлган экан.

Шуларни тинглаб туриб, ўйлаб қоламан, ўша пайтларда бугунгидек шароитлар яратилиб, соғлом она ва бола учун эътибор Юртбошимиз таъкидлаганларидек, давлат сиёсати даражасида бўлганида, онагинам тирик қолармидилар?!

2000 йилдан буён туғуруқ бўлимида ишлаяпман. Истиқлол туфайли фаолияти тубдан ўзгарган, янги, замонавий, тиббий жиҳозлар билан таъминланган туғуруқхонамизда ҳар куни 5, 6 гўдак дунёга келади. Оналик бахтидан масрур чеҳраларга боқиб, оналар соғлиги, гўдаклар омонлиги йўлида тинмай меҳнат

(Давоми. Боши 1-бетда).



қилишим кераклигини ҳис этаман.

Шу ўринда, туманимизнинг Ачамайли қишлоғида яшовчи Шаҳноза опа ҳақида сўзлаб бермоқчиман. Бу аёлнинг кўп йиллардан буён минг машаққатлар билан кўтарган ҳомиласи туғилиб-туғилмай ўлимга дучор бўлаверар, сабаби – онанинг қон гуруҳи резуси, шунингдек, қондаги инфекция ҳомиланинг ривожи, яшаб кетишига тўсқинлик қилар экан. Хуллас, бор билим ва тажрибамни ишга солиб, аёлнинг ҳолатини ўргандим, зарур дори-дармон, муолажалардан сўнг, гўё мўъжиза рўй берди. Шаҳноза опа фарзандли бўлди, исмини менинг ўғлимга ўхшасин деб Дадажон қўйди. "Сиз болажонимнинг иккинчи онасисиз", деганида кўзим қувонч ёшларига тўлди...

Дарҳақиқат, Бўка тумани тиббиёт бирлашмаси туғуруқ бўлими шифокори, неонатолог Н. Қобилова фаолиятида бундай қувончли воқеалар тез-тез учраб туради.

– Туғуруқ бўлимида ишлаётганимга 16 йил бўлди, – дея сўзида давом этди Насибахон. – Муассасамиз нафақат вилоят, балки республика миқёсида ўз ўрнига эга. 2006 йилда "Болаларга дўстона муносабатда бўлган энг яхши туғуруқхона", дея эътироф этилган. Шунингдек, янги туғилган чақалоқ учун кўкрак сутининг нечоғлик зарурлиги ҳақидаги тарғибот-ташвиқот ишларимиз бугунги кунда ўз самарасини кўрсатмоқда. Албатта, оналар ва болалар саломатлигини асрашда туғуруқхонадаги шарт-шароитлар, замонавий тиббий ускуналарнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш жоиз. Лекин, соғлом онадан соғлом бола туғилиши учун, аввало, она ҳомиладорлик даврини рисоладагидек ўтказиши, тез-тез шифокор назоратидан ўтиб, зарур муолажаларни олиб туриши керак.

Шу ўринда, мамлакатимиз раҳбарининг: "Аёл қачон бахтли бўлади? Қачонки, оиласи, боласи соғлом бўлса", деган сўзларини келтириш жоиз. Зеро, Н. Қобилова шундай соғлом, қолаверса ибратли оила бекаси. Умр йўлдоши Баҳром Қобилов тадбиркор, қизлари Азиза ва Гулбаҳор фарзанд тарбияси билан машғул. Нодирахон коллеж ўқувчиси. Кенжатойлари Дадажон эса Чирчиқ олимпия захиралари коллежида ўқийди, футбол жону дили...

– "Қуш уясида кўрганини қилади" деганлари айни ҳақиқат, – дейди у. – Фарзандларимизни одоб-ахлоқли, меҳнатсевар бўлиб етишиши учун ўзимиз ибрат кўрсатишимиз керак. Томорқамиз, мевазор боғимиз бор. Уларнинг парвариши болалар зиммасида. Ўзим манзарали дарахт, анвойи гулларга қизиқаман. Гуллар қийғос очилган пайти уларга қараб, яна мунис оналарни ўйлайман. Бу гулларни уларнинг пойига тўшагим келади.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

Қулайлик

# ИШ ҲАҚИНИ SMS ОРҚАЛИ БИЛИШ МУМКИН

ғазначилик органларига ва молиявий ҳисоботлар юқори турувчи ташкилотларга ҳамда молия органларига электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда тўлиқ электрон кўринишда тақдим этилмоқда.

2012 йилда "UzASBO" дастурий мажмуасининг бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларини ҳисоблашга ихтисослаштирилган алоҳида модули ишлаб чиқилган. Ҳозир бюджет ташкилотлари томонидан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар

(Давоми. Боши 1-бетда).

бўйича харажатлар тегишли муассасаларга электрон кўринишда юборилмоқда.

– 2016 йилнинг февраль ойидан бошлаб яна бир янги хизмат тури жорий этилди, – дейди Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ахборот ҳисоблаш маркази мутахассиси Обид Абдуқодиров. – Эндиликда бюджет ташкилотлари ходимлари "UzASBO" дастурий мажмуасида ҳисобланган иш ҳақи ва бошқа тўловлар тўғрисида SMS орқали маълумот олишлари мумкин. Бунинг учун 7878 қисқа рақамига zp*12345*01*2016 кўринишида SMS юборилади. Бунда zp – лотинча белги бўлиб, ойлик иш ҳақи маълумотини билдиради ва ўзгармас ҳисобланади. 12345 – ходим коди ҳисобланиб, 1-9999999 гача бўлган рақам билан ҳар бир ходимга алоҳида берилади. 01 ва 2016 – ой ва йил рақамларидир. Ходим кодининг рақами ҳамда 7878 рақамидан келадиган жавоб SMS матнида тўлов турларини кўрсатишда фойдаланиладиган қисқартма номлар бўйича ташкилот ҳисобчисидан тўлиқ маълумот олиш мумкин.

**Б. БОЗОРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Мардлар қўриқлайди Ватанни!

# САРА ЙИГИТ – ЮРТ ФАХРИ

йигитларга халқимиз осойишталиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашдек масъулиятли ва шарафли вазифани адо этишларида омад тилашди.

– Бугун севинчимнинг чеки йўқ, – дейди ангренлик Достон Бердиқулов. – Ёшлигимдан акаларим Бахтиёр, Элёр, Фаррухларга ҳавас қилиб, аскар бўлишни орзу қилардим. Аммо, бу осон иш эмас экан. Чунки, бугун Қуролли Кучларимиз сафига ҳам ақлан, ҳам жисмонан кучли йигитлар сараланмоқда. Уларнинг сафидан жой олишда

(Давоми. Боши 1-бетда).





спорт билан мунтазам шуғулланганим қўл келди.

Тадбир сўнгида, бўлажак аскарларга эсдалик совғалари тарқатилди. Дилтортар қўшиқ ва бадиий жамоаларнинг чиқишлари байрам маросимига янада кўтаринки руҳ бағишлади.

**Муқаддас ИСРОИЛОВА.**
**Даврон АҲМАД,**
**Мансур НАХАЛОВ олган суратлар.**

Семинар

**Вилоят ҳокимлигида кўчмас мулк объектларини ялпи йўқламадан ўтказишни ҳар томонлама пухта ташкил этишга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Тадбирда вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси, ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси, вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси, солиқ, адлия ва ички ишлар бошқармалари раҳбарлари, туман ва шаҳар ҳокимларининг тегишли соҳа бўйича ўринбосарлари ва ҳуқуқшунослари, шунингдек, бошқа бир қатор ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар.**

# КЎЧМАС МУЛКНИНГ ЯЛПИ ХАТЛОВИ





Қайд этилганидек, ҳозирги кунда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари маълумотларига кўра, вилоятдаги уй-жойлар 620 мингдан зиёд бўлса, вилоят "Ермулккадастр" давлат корхонасида юритиладиган маълумотлар базасида 546 мингтани ташкил этмоқда. Кўриниб турибдики, вилоятда "Электрон ҳукумат" тизими доирасида маълумотларни шакллантириш учун барча кўчмас мулк объектларини ҳозир ялпи хатловдан ўтказиш ва уларнинг мулкчилик ҳамда ҳуқуқий муносабатларини тартибга солиш зарур. Шу боис семинарда кўрилаётган масала ва белгиланадиган вазифалар бу борада олиб борилаётган ишларнинг асоси ҳисобланиши ва жойлардаги ҳар бир мутасадди унинг мазмун ва моҳиятини аниқ тушуниб олиши лозимлигига урғу берилди.

– Бино ва иншоотлар ҳисобини юритишни автоматлаштириш ва йил якунига қадар йўқламани тугаллашда "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси тизимида олиб борилаётган ишларга алоқадор давлат идоралари ва маҳаллий ҳокимият органларининг фаол иштироки талаб этилмоқда, – деди "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси раиси С. Арабов. – Жумладан, ҳар бир туман ва шаҳарда аниқланган хатоларни ўрганувчи махсус комиссия тузиш ва фаолиятини пухта ташкил этиш, йўқламага ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларини жалб қилиш, мулкчилик муносабатларини қонун талаблари асосида давлат рўйхатидан ўтказиш лозимлигини аҳолига атрофлича тушунтириш ва бошқа керакли чора-тадбирларни белгилаб олиш зарур.

Тадбирда вилоят ҳокими С. Абдуллаев сўзга чиқди.

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

# ОГОҲ ОДАМ ҚОҚИЛМАЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Вилоят прокуратураси органлари одам савдосига қарши кураш комиссияси билан ҳамкорликда 1335 та тарғибот тадбирларини ўтказди. Натижада, шу турдаги жиноятлар 2014 йилга нисбатан 52 фоизга камайишига эришилди.

Уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш йўналишида вилоят прокуратураси ўтган йил давомида ва шу йилнинг январь ойида 102 та жиноят ишлари юзасидан терговг ҳаракатлари олиб бориб, 172 та айбдор шахсга нисбатан жазо муқаррарлигини таъминлади.

Шунингдек, тадбирда соҳа мутахассисларига диний экстремизм ва терроризм, одам савдоси, коррупцияга қарши кураш йўналишида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини янада кучайтириш, эрта турмушга чиқишнинг олдини олиш, унинг оқибатларини аҳолига тушунтиришда жамоатчилик имкониятларидан кенг фойдаланиш борасида йўналишлар берилди.



**Алибек ТОШБОЕВ.**
**Мансур НАХАЛОВ олган суратлар.**



# ҚАЙТА ИШЛАНГАНИДАН ДАРОМАД КЎПРОҚ

**Вилоят фермерлар кенгашида республика Президентининг мамлакатни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлиси ҳамда Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги маърузаларида белгилаб берилган энг муҳим устувор вазифаларнинг мазмун-моҳиятини соҳа ходимларига етказиш, шунингдек, вилоят фермерлар кенгаши ва тизим ташкилотларининг ўтган йилдаги ишлари сарҳисоби ва 2016 йилдаги режаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

"Марказий банк", "Халқ банки", "Микрокредитбанк", вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри, барча туман фермерлар кенгашлари раислари, кўп тармоқли фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирок этган мулоқотда таъкидланганидек, ўтган мавсумда фермер хўжаликларида 557 минг тоннага яқин ғалла, 237 минг тоннадан зиёд пахта, 222,8 минг тонна сабзавот ва картошка, 107,9 минг тонна полиз маҳсулотлари, 99,4 минг тонна узум ҳамда 111 минг тонна мева етиштирилди. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган 25 та корхона, аҳолини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш имконини берувчи 16 та совутгич барпо этилди.

Йиғилишда айрим фермер хўжаликлари фаолияти, хусусан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида олиб борилаётган ишлар қониқарсизлиги, вилоятда етиштирилаётган мева-сабзавотнинг 24, гўштнинг 27, сутнинг 20 фоизигина қайта ишланаётганига аниқ далиллар келтирилиб, бу соҳадаги саъй-ҳаракатларни кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, мева-сабзавотнинг 46, гўштнинг 39, сутнинг 18 фоизи бирламчи қайта ишлаб, сотилаётгани сабабли катта миқдорда қўшимча даромад олиш имконияти бой берилаётгани ачиниш билан қайд этилди.

Тадбирда фермер хўжаликлари фаолиятини кенгайтириш учун имтиёзли кредитлар бериш, агромониторинг марказлари ишини жонлантириш, мевали дарахтларни томчилаб суғориш ҳамда тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган муҳим таклиф ва тавсиялар берилди.

**Ўз мухбиримиз.**

ЭЪЛОНЛАР

**"Respublika mulk markazi" АЖ – 20 йиллик вақт билан синалган ишончли ҳамкор.**
**Хўжалик жамиятлари устав фондидаги улушлар, асбоб-ускуналар, автомототранспорт воситалари ва бошқа турдаги мулкларнинг оммавий савдоларига таклиф этамиз.**
**Телефонлар: (0371) 228-79-52, 228-80-31. www.rmm.uz**

**"Respublika mulk markazi" АЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога Ангрен шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

1. ЖИБ Тошкент вилояти Ангрен шаҳар судининг 22.06.2015 йилдаги 6452/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган Ангрен шаҳар ИИБ ЙҲХБ жарима майдонида сақланаётган, "Ваз-2107" русумли, д/р 10 Y 104 JA бўлган, 1984 йил ишлаб чиқарилган. Бошланғич баҳоси - 7 658 998 сўм 42 тийин.

2. ЖИБ Тошкент вилояти Ангрен шаҳар судининг 22.01.2013 йилдаги 138-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ангрен шаҳар ИИБ жарима майдонида сақланаётган, "Москвич АЗЛК" русумли, давлат рақами 11V 7739 бўлган, 1984 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 602 576 сўм 19 тийин.

3. ЖИБ Тошкент вилояти Ангрен шаҳар судининг 26.07.2012 йилдаги 6184/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган Ангрен шаҳар ИИБ жарима майдонида сақланаётган, "Уаз 469" русумли, давлат рақами 11O 9168 бўлган, 1976 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 1 625 002 сўм 58 тийин.

6. ЖИБ Тошкент вилояти Ангрен шаҳар судининг 03.05.2011 йилдаги 1360/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган Ангрен шаҳар ИИБ жарима майдонида сақланаётган, "М-412" русумли, давлат рақами 11N 9038 бўлган, 1976 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 247 153 сўм 41 тийин.

7. ЖИБ Тошкент вилояти Ангрен шаҳар судининг 06.10.2014 йилдаги 11656/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган Ангрен шаҳар 29-сонли автобаза сақланаётган, "М-412 ИЭ" русумли, давлат рақами 10 U 264 HA бўлган, 2000 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 558 639 сўм 20 тийин.

8. ЖИБ Тошкент вилояти Ангрен шаҳар судининг 15.05.2015 йилдаги 4365/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган Ангрен шаҳар ИИБ жарима майдонида сақланаётган, "Матиз" русумли, давлат рақами 10 B 588 BA бўлган, 2004 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 11 284 920 сўм.

9. ЖИБ Тошкент вилояти Ангрен шаҳар судининг 12.05.2015 йилдаги 139-сонли ижро варақасига асосан хатланган Ангрен шаҳар ИИБ жарима майдонида сақланаётган, "Ваз 21060" русумли, давлат рақами 10 Y 065 GA бўлган, 1996 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 7 667 022 сўм 98 тийин.

10. ЖИБ Тошкент вилояти Ангрен шаҳар судининг 14.04.2015 йилдаги 3962/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган Ангрен шаҳар ИИБ жарима майдонида сақланаётган, "Ваз-2103" русумли, давлат рақами 11 W 9623 бўлган, 1972 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 1 385 100 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 15 март куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 11 март куни соат 18:00. Автотранспорт воситалари билан Ангрен шаҳар суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "РММ" АЖнинг АИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги ҳ/р: 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850 га тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома, чет-эл юридик ва жисмоний шахслари қўшимча равишда сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этилади.

Аризаларни қабул қилиш ва савдолар ўтказиш манзили: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қорақамиш-1 кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rmm.uz.

Гувоҳнома № 001580.

**ХОРИЖИЙ САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!**

"Respublika Mulk Markazi" АЖнинг устав фондидаги 34 фоизни ташкил этадиган давлатга тегишли бошланғич нархи 1 568 627 339 сўм бўлган акция пакетини "Тошкент" Республика Фонд биржасининг савдолари орқали сотиб олишга таклиф этамиз!

Жамият 1994 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муваффақиятли фаолият юритиб келмоқда. Жамиятнинг асосий фаолияти юридик ва жисмоний шахсларга ҳамда давлатга тегишли автомототранспорт воситаларининг, хўжалик жамиятлари устав фондидаги улушларининг, асбоб-ускуналарнинг аукцион ва танлов савдоларини ташкил этишдан иборат. Жамият Тошкент шаҳрида ўзининг маъмурий биносига, автотранспорт воситаларига, керакли оргтехника ва офис жиҳозларига эга.

Ўзбекистон Республикасида 2020 йилнинг 1 январигача хорижий инвесторлар акциядорлик жамиятларида уларга тегишли бўлган акцияларидан дивиденд тарзида оладиган даромадидан солиқ тўлашдан озод қилинганлар.

Телефон: (0-371) 227-90-23. Веб-сайт: rmm.uz

Спорт

**Соғлом она ва бола йили муносабати билан Ангрен шаҳридаги "Ўзбеккўмир" акциядорлик жамияти бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси корхона ишчилари ўртасида "Отам, онам ва мен – спортчи оиламиз" спорт мусобақасини ўтказди. Унда 13 оила ғолиблик учун мусобақалашди.**

# ОИЛАВИЙ ҒОЛИБЛИК НАШИДАСИ



– Бу каби мусобақалар жисмоний тарбия ва спортни оилаларнинг кундалик турмуш тарзига сингдириш, оила аъзоларининг жисмонан соғлом ва бақувват бўлиши баробарида умумий иш қобилиятининг ўсишига ёрдам беради, – дейди бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси Абдуносир Қаюмов.

Дастурдан ўрин олган спорт ўйинлари ҳамда оилавий эстафета шартлари бўйича юқори балл тўплаган Ғаниевлар оиласи ғолибликни қўлга киритиб, мусобақанинг вилоят босқичида қатнашиш имкониятига эга бўлдилар.

– Бу мусобақада биринчи бор қатнашишимиз, – дейди Нодира Ғаниева. – Тўғрисини айтсам, ғолиб бўлишимизни кутмагандик. Шартлар жуда қизиқарли ўтди. Бу спортсевар оиламиз учун дастлабки синов бўлди.

Мусобақа сўнгида ғолибларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Нозима АРСЛОНОВА.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

**Чиноз туманидаги 14-Болалар мусиқа ва санъат мактаби остонасидан ўтишимиз биланоқ рўпарадаги деворга нозик дид билан чизилган қалдирғоч ва унинг полапонларига кўзимиз тушди. Она қалдирғоч – устоз, унинг оғзига тикилиб турган полапонлар эса, истеъдодларини юзага чиқаришга уринаётган, санъатга ташна болалар ва ўсмирлар тимсоли бўлса, ажабмас.**

*Эътибор*

# САНЪАТ МАКТАБЛАРИДАН ЖАҲОН САҲНАЛАРИГА



Тасвирий санъат йўналиши ўқувчилари чизган расмларни синчиклаб кузатамиз. Деворга тартиб билан илинган ишлар орасида Аделина Акопян ва Улжон Мирзақулованинг "Менинг кўчам", "Олтин куз", "Дугоналар", "Хаёлпараст", "Бувимнинг ҳовлиси" мавзуларида чизган расмларида ўз тасаввурларини ёрқин ифода этганларининг гувоҳи бўлдик. Кулолчилик йўналиши ўқувчилари орасида Самандар Абдусатторов ва Саида Абдужалилова ясаган "Чойхона", "Аравакаш", "Чол билан набира", "Анор", "Оққушлар" каби намуналар ҳеч бир томошабинни бефарқ қолдирмайди.

Муассасанинг тасвирий ва амалий санъат хонасида бўёқ, лой ва гипсдан санъат асарлари яратилаяпти. Суратлар ҳамда ҳайкалларда мафтункор юртимизнинг кўркам гўшалари, меҳнатдан бахт топиб яшаётганлар ҳаёти ва қиёфаси акс эттирилган. Болаларга хос яратувчанлик, сезги ва беғуборлик чизгиларга жон киритаётгандек гўё.

– Рассомлар рангларни теранроқ ҳис этишади, борлиқда содир бўлаётган эврилишларни чуқурроқ англайдилар, – дейди Аделина Акопян. – Мўйқалам соҳибининг кайфияти унинг ижодини белгилайди. Тушкун бўлсангиз, совуқ ранглардан фойдаланасиз, қувноқлик ёрқин рангларга мурожаат қилишингизга сабаб бўлади. Мен табиатни тасвирлаш билан бирга хаёлот оламини қоғозга туширишга ҳаракат қиламан. Баъзида эса табиийликни тафаккур маҳсули билан уйғунлаштираман. Ҳаётда бўшлиқ бўлмайди. Шу жиҳатни асарларимга кўчиришга интиламан.

Сокинлик ва рангларга тўла хонани тарк этишимиз билан баралла янграётган "Майсаранинг иши" арияси эътиборимизни тортди. Беихтиёр ўша томонга юзландик.

– Ўзбекистон Давлат консерваториясида ўқияпман, – дейди Ирода Жўраева. – Бу ерга устозларимни соғиниб келгандим. Қанчадан-қанча ютуқларга эришишимга мана шу мактаб сабабчи. Бунинг учун устозларимдан миннатдорман. Ўқишни битириб, шу даргоҳга қайтиш ва институтда олган билимларимни ёш авлодга ўргатишни мақсад қилганман.

Мактабни айланар эканмиз, миллий ёки хорижий чолғуларда мусиқа ижро этаётган ўқувчилар бу даргоҳда ҳақиқий иқтидор эгалари кўплигига бизни яна бир карра ишонтирди.

Ширали овозга эга ўқувчилар катта ашуладан тортиб, замонавий қўшиқларни куйлашмоқда. Муассасада ўзбек ва қозоқ халқ чолғулари, баян, аккордеон, фортепьяно, хореография, торли, камонли чолғулар, гитара, дамли ва зарбли асбоблар, анъанавий ва эстрада хонандалиги, тасвирий ва амалий санъат, театр йўналишларида 500 дан зиёд ўқувчи сабоқ олмоқда.

– Иқтидорлилар сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда, – дейди мактаб директори Азиза Полвонова. – Ўқувчиларимиз республика миқёсида ўтаётган танловларда фаол иштирок этиб, юқори натижаларни қўлга киритишаяпти. Халқаро мусобақаларда эришаётган натижаларимиз ҳам ёмон эмас. Жумладан, шу йилнинг январь ойида Сочида ўтказилган халқаро фестивалда 25 давлатдан келган мусиқачилар қатори ўқувчимиз Миршоҳид Миржамолий найда "Мазурки" ва "Сайёра" куйларини ижро этди. Яна бир иқтидорли ўқувчимиз Умиджон Собиров ҳам "Кўнгил таронаси" ўзбек халқ куйини, шунингдек, "Насри сегоҳ" мақом куйини маҳорат билан чалди ва Гран-прини қўлга киритди. Айни пайтда саралаб олинган ўқувчиларимиз шу йилнинг 14-18 апрель кунлари Санкт-Петербургда бўлиб ўтадиган "Болалар байрами" фестивалига қизғин тайёргарлик кўришмоқда. Насиб этса, бу танловда ҳам ғолибликни қўлга киритамиз.

Айтишларича, санъат қўним топган кўнгилларга ёмонлик оралармас экан. Ушбу мактабда таълим олаётган гўзаллик дунёсига ошиқ болаларни кузатиб, бу фикрнинг нақадар тўғри эканини англадик.

**Бектош ИСМОИЛОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Мансур НАХАЛОВ олган сурат.**




## САЙЁҲЛАРГА КАРКИДОН ҲУЖУМ ҚИЛДИ

**Британиянинг "Daily Mail" газетаси Намибиянинг Миллий боғида сайёҳлар машинасига каркидон ҳужум қилган вазият тасвирга туширилган суратни чоп этди.**



Ҳикоя қилинишича, каркидон сайёҳлар автомашинасини кўриши билан тезлигини ошириб, ҳужумга ўтди. Сўнг ортига қайтиб, яна ҳужум қилди. Шундан сўнг ҳайдовчи машинани тезда ҳаракатга келтирди. Хайриятки, машинада ўтирганлардан ҳеч кимга зарар етмади. Сайёҳларга ҳамроҳлик қилувчи мутахассиснинг таъкидлашига қараганда, бундай тасодифий ҳодисалар кўпам юз беравермайди. Бироқ, Африка қитъасининг жанубида яшовчи қора каркидонлар бошқа турларга нисбатан жаҳлдорлиги боис ўзи учун нотаниш бўлган ҳар қандай объектга ҳужум қилишга уриниши табиий ҳол.

## БАНГЛАДЕШДА ОДАМ-ДАРАХТ ДАВОЛАНЯПТИ

**Врачлар Бангладешдаги шифохоналардан бирида шу пайтгача учрамаган ажабтовур беморни даволашга киришдилар.**



Шахсий аравачасида юк ва йўловчи ташийдиган киракаш Абул Бахандар эндигина 25 ёшга тўлди. Бироқ, унинг қўл ва оёғида бир неча йилдан буён ўсувчи дарахтсимон ортиқ пайдо бўлмоқда. Врачларнинг айтишича, бу мамлакатда рўй берган биринчи ҳодиса.

Абул Бахандарнинг оиласи мамлакатдаги камбағаллар тоифасидан. Шу боис ҳукумат беморни давлат ҳисобидан даволамоқда.

## ИККИ СОАТЛИК ГАРОВ

**Лондон полицияси пойтахт марказидаги ресторанда бир аёлни икки соат давомида гаровда ушлаб турган кишини қўлга туширди.**



Полиция ходимларининг таъкидлашига қараганда, ушбу фавқулодда вазият жараёнида ҳеч ким жабр кўрмади. Чунки, воқеа жойига бир нечта патруль машинаси зудлик билан етиб келиб, саёҳатчилар ёқтирадиган бутун даҳани ўраб олди. Полициячилар жиноятчи билан сўзлашганларидан сўнг бу воқеа терроризмга алоқадор эмаслигини маълум қилишди.

## БЎРОНДАН СЎНГ ҚУЮН

**Американинг жануби-шарқий қисмида эсган кучли бўрон камида беш кишининг умрига зомин бўлди.**



Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг мамлакат қутқарув хизмати маълумотларига таяниб ёзишича, табиий офатдан ўнлаб фуқаролар зарар кўрган. Ушбу маълумотларда келтирилишича, Виржиния штатида маҳаллий аҳолидан икки киши қурбон бўлди. Бир кун аввал эса бўрон Алабама, Луизиана, Миссисипи ва Флорида штатларига ёпирилган эди. Оқибатда, уч киши ҳаётдан кўз юмди ва 30 дан зиёд фуқаро жабр кўрди.

Шунингдек, табиий офат 10 минглаб уй ва бошқа муассасаларни электрсиз қолдирди. Бундан ташқари, кучли бўрон сабабли Чикагода авиапарвозлар бекор қилинди, бир қанча штатларда эса мактаблар ёпилди.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

**СПОРТ ГИМНАСТИКАСИ. Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида ўтказилган Жаҳон кубогининг навбатдаги босқичида ҳамюртимиз Оксана Чусовитина олтин медални қўлга киритди.**



Ўзбекистон миллий олимпия қўмитасидан маълум қилинишича, тажрибали спортчимизнинг таяниб сакраш баҳсларидаги иштироки ҳакамлар томонидан энг юқори баллга лойиқ топилган.

Мазкур мусобақа спортчимиз учун апрель ойида бўладиган XXXI ёзги Олимпия ўйинлари йўлланмасини берувчи нуфузли турнир олдидан ўзига хос тайёргарлик босқичи вазифасини ҳам ўтади.

* * *

**ЭРКИН КУРАШ. Беларусь пойтахти Минск шаҳрида якунланган анъанавий Гран-при турнирида терма жамоамиз аъзолари иккита бронза медаль билан тақдирланди.**



Дунёнинг йигирмадан зиёд давлатидан уч юзга яқин спортчи иштирок этган нуфузли турнирнинг вазни 57 килограммгача бўлган полвонлар беллашувида Нодиржон Сафаров ва вазни 74 килограммгача бўлган курашчилар баҳсида Рашид Қурбонов учинчи ўринни эгаллади.

**Б. АЙТМУРОДОВ, ЎзА мухбири.**

Кўзгудаги ўзимиз

# ЭНГ КАТТА БОЙЛИК

Тунов куни узоқ йил маорифда ишлаган отахон билан рўбарў келдик. Доимо очиқ чеҳраси негадир тунд. Хўрсиниб гап бошлади:

– Синглимникидан келаяпман. Икки йилки, тўшакка михланиб ётибди. Ота-онамиздан кейин иккимиз қолдик. Менга кўзи тушиши билан юм-юм йиғлайди, бечора. Эзилиб кетдим. "Нима гап", десам бир сўз айтмайди. Қизидан сўрасам: "Акам икки ҳафтадан буён онамни кўришга келмайди", деди. Синглим шу тўнғич ўғлини яхши кўради. Лекин нобоп фарзанд онасини йўқлаб қўйишни хаёлига ҳам келтирмайди...

Отанинг сўзларини эшитиб, бир воқеа ёдимга тушди: Нуфузли ташкилотда ишлайдиган танишимиз билан икки-уч марта йиғилишда бирга бўлишга тўғри келди. Бир гал унинг телефонда айтган сўзлари қулоғимга чалинди. Билдимки, яқин одами бетоб. Одамгарчилик юзасидан кўнгил сўрадим.

– Онам касалхонада, – деди бепарво.

Орадан бир ҳафта ўтиб яна кўришиб қолдик.

– Онангиз тузукмилар, яхши бўлиб қолдиларми?

– Уч кундан бери касалхонага боролмадим. Иш кўп, югур-югур. Ўзингиз тушунасиз...

Чеҳрасидаги лоқайдликни кўриб, юрагим увушди. Ишни баҳона қилиб, дунёдаги энг бебаҳо бойлик – она меҳрини бой бераётганига ачиндим. Тўғри, иш кўп, кунора йиғилиш. Лекин она ягона-ку?! Кўз олдингда шамдек сўниб бораётган онанг дийдорини кўриш учун вақтни ортга қайтариб бўладими? Унинг ҳар бир нафаси, самимий дуоси ғанимат эмасми? Ҳафсалам пир бўлиб, ҳамроҳимдан кўнглим қолди.

Аслида беш қўл баробар эмас. Ҳамма ҳам ота-онасига бемеҳр бўлавермайди. Уларни еру-кўкка ишонмай, кўз қорачиғидек асраётган ўғил-қизлар кўп...

Боғ уйимиз этагида Каримбой исмли қўшнимиз бор. Жуда хушчақчақ, деҳқончилик жон-дили. Ота-онаси билан бирга яшаса ҳам ҳар тонгни уларнинг ҳолидан хабар олиш билан бошлайди. Ота-онасини саёҳатларга олиб боради. Оғзиларига ёққан овқатни муҳайё қилади. Қизларига совчилар келса: "Ота-онам турганда менга йўл бўлсин. Аввал уларнинг розилигини олинглар", дейди.

Қачон қарасам, яхши кайфиятда юрадиган қўшнимиз оталари вафотидан сўнг маъюс тортиб қолдилар. "Тоғдек елкаларим отамдан кейин чўкиб қолгандек бўлди, деб хафалар", дейди катта қизлари.

Бу гап бир ривоятни ёдимга солди:

Қадимда бир подшоҳ бўлган экан. У ўғил фарзанд кўрибди ва уни ўз даврининг донишманди бўлган устоз қўлига топширибди:

– Ўғлимга ўзингдаги бор билим ва маҳоратни ўргатиб бўлганингдан кейин ҳузуримга олиб келасан.

Йиллар ўтиб, шаҳзода йигирма ёшга тўлганда донишманд уни подшоҳ ҳузурига олиб келибди:

– Подшоҳим, ниманики билсам, барини ўғлингизга ўргатдим.

Подшоҳ ўғлининг кўркам бўй-бастига қараб, ич-ичидан завқланибди. Меҳр билан елкасига қўлини қўйибди-да:

– Ўғлим, шу турищда ким кучли? – деб сўрабди.

– Мен, – дея жавоб берибди ўғил.

Жавобдан кўнгли тўлмаган подшоҳ саволни яна қайтарибди. Ўғли яна: "Мен кучли", дебди. Подшоҳ: "Ўғлим, бутун давлатим, тож-тахтим сеники. Ўйлаб жавоб бер", дея ўғлининг елкасидан қўлини олибди. Шунда ўғли: "Ота, сиз кучлисиз", дея жавоб қайтарибди.

– Икки марта сўраганимда: "Мен кучлиман" дединг. Тож-тахтни эшитиб: "Сиз кучлисиз", дейишингнинг боиси не?

Ўғил отасининг қаршисида тиз чўкиб:

– Ота, қўлларингиз елкамда турганида, бу менга куч-қувват ато этгани боис "мен кучлиман", дедим. Учинчи сафар елкамдан қўлларингизни олдингиз. Шунда ўзимни ожиз, кучсиз сездим...

Булар – ҳаёт дея аталмиш кўзгудаги аксимиз. Ўз аксини тиниқ кўришни хоҳлаган одам оила осмонида қўш юлдуздек чарақлаб турган ота-оналарини ҳаёт чоғларида қадрлаб, эъзозлаб яшаши зарур.

**Дилфуза МИРОБИДОВА.**

Таассуф

# «САНЖАРНИНГ УЛОВИГА МИНГАН ҚИЗ...»

**Аёл – нозик хилқат. Унинг жамиятда ўзига хос ўрни бор. Аввало, фарзанди учун масъул.**
**Аммо, афсуски, баъзан шу нозик хилқат вакиллари билиб-билмай, баъзан эса била туриб, жиноят кўчасига кириб қоладилар. Оқибатда...**



2015 йилнинг 27 февраль куни "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамияти санаторий-профилакторийси ҳовлисида икки аёл бир аёлни дўпослаб, тан жароҳати етказди. Калтакланган аёл шифокорларга мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Суриштирув, тергов ҳаракатлари якунида маълум бўлдики, Муҳаббат (исмлар ўзгартирилган) 2015 йилнинг 26 февраль куни кечки пайт бир таниш аёл билан комбинат боғчаларининг бирида ишлаётган бошқа таниши Зумрадни кўриш учун борди. Санаторий-профилакторий дарвозасида турган қоровуллар вақт кеч бўлиб қолганини айтиб, ичкарига киришга рухсат беришмади. Шу пайтда 25-35 ёшлар атрофидаги мутлақ нотаниш икки аёл ва 3-4 эркак ичкаридан чиқиб келишди. Ҳалиги аёллардан бири Муҳаббатга ташланди ва: "Бу Санжарнинг машинасида юрган қиз", дея унинг сочларини юлиб, дўппослай кетди. Ёнидаги "шерик" аёл ҳам "кўмаклашиб" юборди. Ўшанда аёллар ширакайф эдилар...

Ёлғиз аёл, уч ёшга тўлмаган фарзанднинг онаси, муқаддам 2-3 бор судланган, амнистия туфайли озод бўлиб ҳам, тўғри хулоса чиқармаган Нодира шу жанжал туфайли яна бир бор суднинг қора курсисига ўтирди.

Жанжалкаш аёллардан бири Нуриянинг ҳам вояга етмаган фарзанди бор, муқаддам судланган. У ҳам шу жанжал сабабли яна судланди.

Афсуски, айрим аёллик шаънини унутган, бу мўътабар номни оёқости қилганлар жамиятда юриш-туриш қоидасини қасддан бузиб, атрофдагиларга ҳам салбий таъсир кўрсатаяптилар. Зеро, яхши аёл ярим тунда кўчада юрмайди. Қолаверса, вояга етмаган фарзанди бор онанинг асосий бурчи бола тарбиясидир. Аммо ўзи тарбиясиз бўлган юқоридаги аёллардан нимани ҳам кутиш мумкин?

Ҳар қандай тартиббузарлигу жиноятга жазо муқаррар. Жиноят ишлари бўйича Олмалиқ шаҳар суди мажлисида юқоридаги ҳар икки аёлга қилмишига яраша жазо тайинланди.

**Хуршид БОБОЕВ, вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси.**

Рассом хандаси



*Хотин йўғида...*

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта: thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Нозима РАСУЛОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-5262. Адади 14062. Баҳоси келишилган нархда. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 21.00.